

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРЗАКОВ РУСТАМЖОН МАХАМАДОВИЧ**

**XX АСР ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА БОЛА ОБРАЗИ: ДАВР ВА  
РУҲИЯТ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Умурзаков Рустамжон Махаматович**  
XX аср ўзбек қиссаларида бола образи: давр ва  
руҳият..... 3

**Umurzakov Rustamjon Mahamadovich**  
The image of child in uzbek narratives the XX<sup>th</sup> century: period and  
spirituality.....27

**Умурзаков Рустамжон Махаматович**  
Образы детей в узбекских повестях XX века: эпоха и  
психологизм..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works.....53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРЗАКОВ РУСТАМЖОН МАХАМАДОВИЧ**

**XX АСР ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА БОЛА ОБРАЗИ: ДАВР ВА  
РУҲИЯТ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.4.PhD/Fil1425 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Касимов Абдугапир Абдиқаримович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Умида Йўлдош кизи  
филология фанлари доктори

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна  
филология фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSс.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (143 рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» XII кун тарқатилди.  
(2021 йил «16» XII даги рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор

М.Т. Зокиров  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, фил.ф.н., доцент

А.Ф. Сабирдинов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
фил.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бола образи ва болаликнинг бадиий тасвири масаласини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, XX асрда инсонни, унинг рухий оламини ўрганишга эътибор кучайди. Шу боис бадиий насрда бола образини давр ва руҳият нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар бир халқ адабиётида бош масалага айланди. Чунки, кишилиқ жамиятидаги илмий-техник тараққиёт бола онги ва руҳиятига ўз таъсирини ўтказиш билан бирга ундаги миллий ва инсоний қадриятларнинг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаётган бугунги кунда болалиқ тасвирини давр ва руҳият, ижодий индивидуаллик, ўзига хослик ва адабий таъсир доирасида талқин этиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида бола образининг махсус илмий феномен сифатида тан олинishi, асосан, XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида юз бераётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, бола тимсолининг бадиий ифодалари, образ талқини ва таснифи бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда бадиий асар структурасидаги бола образи орқали ёзувчининг индивидуал маҳоратини ёритиш, воқеликка муносабати асосидаги биографик, ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш долзарб ҳисобланади. Замонавий адабиётшунослиқ бадиий асар орқали оламни фалсафий англашда болалиқ тасвирининг ўрни ва аҳамиятини жаҳон адабиётшунослиги эришган энг янги тамойиллар ва ёндашувлар асосида ўрганиш алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Ўзбек миллий адабиётида сўнгги йилларда инсонни давр билан узвийликда тасвирлашга, рухий оламини таҳлил этишга эътибор тобора ортмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида, айни пайтда, XX аср насри, хусусан, қиссачилиқдаги бола образлари етакчи бўлган асарлар мисолида воқеликни бадиий ифодалаш масалаларини замонавий ёндашувлар асосида илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳим вазифалардан биридир. “Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”<sup>1</sup>. Ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар инсон руҳиятида инъикосланиб, унда эврилишлар юз бериши, болалар руҳиятида яққол намоён бўлиши, шубҳасиз. Бу ҳол жамиятдаги иллатлар инъикосини ҳам четлаб ўтмайди. Кўп ҳолларда ёзувчи ижтимоий, маънавий муаммоларни акс эттиришда айнан бола образига мурожаат этади. Биз яшаётган дунёни теран англаш учун инсон ҳаётининг муҳим қисми бўлган болалиқка илмий-фалсафий нуқтаи назардан янгича ёндашув талаб

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.:Ўзбекистон НМИУ, 2019. – Б. 340.

этилади. Шу боис насрда, хусусан, қисса жанрида бола образи талқинлари муаммосини давр ва руҳият билан боғлиқликда тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанри тадқиқига бағишланган ишлар салмоқли ўринга эга бўлиб, бу каби тадқиқотларда жанр бадиияти, тузилиши, образлар тизимига муносабат, муайян қиссалар таҳлили, онг оқими ҳамда қисса жанри билан боғлиқ бошқа муаммолар тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Лекин ўзбек қиссаларида болалик ва бола образи тадқиқи бўйича махсус изланишлар олиб борилмаган.

Жаҳон адабиётшунослигида болалик тасвири ва бола образи муаммолари бўйича қатор тадқиқотларни санаш мумкин. Жумладан, инглиззабон халқлар<sup>3</sup> ва рус адабиётшунослигида ушбу муаммо анча кенг

---

<sup>2</sup> Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях. дисс...канд.филол.наук, – Т., 1966; Аброров А. Ўзбек повести. – Т., 1978; Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. – Т., 1991; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). филол.фан.д-ри... дисс., – Т., 1994; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, Ғ.Хотамов, О.Отахон асарлари асосида). филол.фан.номз... дисс., – Т., 1994; Кубаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80-йиллар). филол.фан.номз... дисс., – Т., 2001; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. филол.фан.д-ри... дисс., – Т., 2002; Тўлаганова У. Тоғай Мурад насрида ритм. филол.фан.номз... дисс., – Т., 2005; Каримова Ю. Пиримкул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини. филол.фан.номз... дисс., – Т., 2005; Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари. филол.фан.номз... дисс., – Т., 2005; Холмуродов А. Қиссада бадиий образ яратиш маҳорати. – Т.:Фан, 2006; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги). филол.фан.д-ри... дисс., – Т., 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. филол.фан.номз... дисс., – Т., 2012.

<sup>3</sup> Elizabeth A.C. The power of the other: A Character analysis of the orphan figure in children’s literature. The University of Memphis, 2016; Benton K. Johnson II. Spiritual Functioning, God Image, and Childhood Incest: An Exploratory Study. Regent University, 2009; Packard L. Freedom as theme in Mark Twain’s “The Adventures of Huckleberry Finn”. California State University, 2000 and etc.

тадқиқ этилган<sup>4</sup> бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида бу соҳа ҳали етарлича ўрганилмаган. Ўзбек адабиётшунослигида бола образи тадқиқи доирасида академик М.Қўшжонов<sup>5</sup>, профессор А.Қосимов<sup>6</sup>, тадқиқотчи С.Бабаевларнинг<sup>7</sup> ишларини қайд этиш мумкин. Хусусан, А.Қосимов ва С.Бабаева диссертациялари қиёсий адабиётшунослик аспектида бажарилганлиги билан характерли. Ўзбек олимларидан А.Расулов, С.Матчонов, Р.Баракаев, А.Холмуродов, У.Ўлжабоев, П.Шермухаммедов, Қ.Қахрамоновларнинг<sup>8</sup> тадқиқот ва монографиялари, У.Расулова, З.Ибрагимова, К.Турдиева, Г.Жўраева, Д.Ражабов ва бошқаларнинг мақола ҳамда тезислари<sup>9</sup> ҳам ушбу муаммога бағишланган. Лекин уларда давр ва рухият масаласи қисса жанридаги бола образи мисолида монографик планда махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, мазкур тадқиқотнинг ўзбек адабиётшунослигидаги дастлабки изланишлардан эканлигини тасдиқлайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “XX аср ўзбек адабиёти масалалари” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср ўзбек қиссаларидаги болалик ва бола образи тасвирида давр ва рухиятнинг бадиий ифодасини тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бадиий образнинг назарий муаммолари ва бола образига хос жиҳатларни аниқлаш, бола образи генезиси ва тадрижий тақомилини тизимлаштириш;

---

<sup>4</sup> Зимин В.Я. Тема детства в творчестве К.Д.Воробьева. Дисс... канд. филол. наук, – Орёл, 2004; Попова С.В. Мир детства и его художественное воплощение в мордовской прозе 1950-1990-х годов. Дисс... канд. филол. наук, – Саранск, 2005; Попкова Т.Д. Мир детства как философская проблема. Дисс... канд. философских наук, – Пермь, 2005; Арзамасцева И.Н. Художественная концепция детства в русской литературе 1900-1930-х годов. Дисс... докт. филол. наук, – М., 2006; Шестакова Е.Ю. Детство в системе русских литературных представлений о человеческой жизни XVIII-XIX столетий. Дисс... канд. филол. наук, – Архангельск, 2007; Черкашина Е.Л. Образ детства в творческом наследии И.А.Бунина. Дисс... канд. филол. наук, – М., 2009; Хусаинова О.И. Тема детства в творчестве Н.В.Гоголя. Дисс... канд. филол. наук, – Саратов, 2009; Иванова Э.Ю. Детство и юность как предмет изображения в прозе Г.Бёлля. Дисс... канд. филол. наук, – Самара, 2010; Гусева Е.В. Концепция детства в творчестве Захара Прилепина. Дисс... канд. филол. наук, – М., 2014; Сальникова В.В. Лексический компонент языковой картины мира ребёнка: динамический аспект (на материале русских автобиографических повестей о детстве). Дисс... канд. филол. наук, – Уфа, 2015; Выговская Н.С. Образ детства в современной англоязычной литературе: интертекстуальный диалог. Дисс... канд. филол. наук, – Нижний Новгород, 2018.

<sup>5</sup> Қўшжонов М. Онага таъзим, болага меҳр. – Т.: Ёш гвардия, 1983.

<sup>6</sup> Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида: филол.фан.номз...дисс. – Т., 1999.

<sup>7</sup> Бабаева С. Ўзбек ва АҚШ адабиётида болаликнинг бадиий талқини (Ф.Ғулум ва М.Твен ижоди мисолида). филол.фан.номз... дисс.автореф., – Т., 2012.

<sup>8</sup> Расулов А. Ғаройиб салтанат // Ўзбек адабий танқиди. – Т.: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 141; Матчонов С. Болалар адабиёти: санъатми ё тарбия // Ўзбек адабий танқиди. – Т.: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 333; Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти қачон майдонга келган? // Ўзбек адабий танқиди. – Т.: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 386; Қахрамонов Қ. Бир мунозара баҳонасида // Ўзбек адабий танқиди. – Т.: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 397.

<sup>9</sup> Тўлабоева Р. Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни // Шарқ юлдузи, 2011. № 5. –Б. 166-168; Тоирова С. Болаликнинг соҳир дунёси // Филологиянинг долзарб масалалари мавзудаги илмий-назарий анжуман материаллари. –Фарғона, 2015. –Б. 118-120; Тўлабоева Р. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарида бола қалби олами тасвири // Ёш тилшунос ва адабиётшуносларнинг анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Т., 2016. –Б. 345-347.

ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёт намуналаридаги болалик тасвиридаги ўзига хосликларни ёритиш;

автобиографик характердаги қиссаларда давр ва қаҳрамон масаласини ўрганиш;

“Шум бола” қиссасини бола эътиқоди муаммоси билан боғлиқ тарзда таҳлил қилиш;

“Тубсиз осмон” қиссасидаги бола олами талқинини ёритиш;

80-йиллар қиссачилигидаги давр ва руҳият тасвирини “Икки карра икки – беш” асари мисолида асослаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Болалик”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки карра икки – беш” ҳамда Нурали Қобулнинг “Тубсиз осмон” қиссалари олинган. Шунингдек, XX аср ўзбек адабиётидаги бола образи етакчи бўлган бошқа қиссаларга ҳам мурожаат этилган.

**Тадқиқот предмети**ни ўзбек адабиётида бола образи генезиси, қиссаларда бола руҳияти ва давр воқелигининг бадиий ифодаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг биографик, социологик, тарихий-қиёсий, психоаналитик, психобиографик, тавсиф ва тасниф усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилар билан белгиланади:

бола образининг ўзбек адабиётидаги шаклланиш асослари, поэтик табиати даврий жиҳатдан фарқланиши, автобиографик характердаги қиссаларда болалик тасвири асосий ўринни эгаллаши ҳамда бола образи акс этган қиссалар ҳам автобиографик унсурлардан ҳоли бўлмаслиги асосланган;

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги бола эътиқоди емирилиши даврнинг маънавий таназзули билан боғлиқ ҳолда далилланган;

XX аср ўзбек қиссалари бола руҳияти талқинида катталар дунёсининг иллат ва кулфатлари акс эттирилиб, бола образи катталар учун кўзгу вазифасини бажариши исботланган;

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки карра икки – беш” қиссаси бош қаҳрамони ўтиш давридаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнлар ҳосиласи сифатида бадиий талқин этилганлиги очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бола образи генезиси ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, замонавий ўзбек насри, бадиий таҳлил асослари, назарий поэтика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар такомиллигига хизмат қилади;

тадқиқот натижалари асосида нашр этилган мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидини ошириши, ўзбек насрини ўрганиш ва ўргатишдаги амалий аҳамияти аниқланган;



бола образидаги давр ва руҳият масаласи, унда илгари сурилган муаллиф бадиий-эстетик мақсади бугунги кун кишисининг бола шахсига тўғри муносабатда бўлишида ҳамда бу муносабат жамиятнинг ахлоқий-маънавий такомилда муҳимлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосалар тарихий-қиёсий, биографик, социологик, психоаналитик, психобиографик, тавсиф ва тасниф методлари орқали далилланганлиги, бола образи генезиси ва бадииятини изоҳлашда ўзбек қиссачилигининг турли даврларига оид ишончли манбаларга таянилгани ҳамда ўзининг илмий исботини топгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги назарий хулосалар XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси бўйича ишларни яратиш, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиётшуносликка оид фанларнинг ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, назарий хулосалар ўзбек қиссачилиги тарихий тараққиётида шаклланган бадиий образ такомил бўйича мавжуд маълумотларни тўлдиради ва бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қисса жанри табиати, бола образининг пайдо бўлиш омиллари, болалар психологияси ҳақидаги қарашлар адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, замонавий ўзбек насри, бадиий таҳлил асослари, назарий поэтика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилади, адабиётшунослик фанларини ўқитишда қўшимча манба сифатида ёрдам беради. Тадқиқот натижалари баркамол шахсни тарбиялаш ва миллий мустақиллик ғоясини сингдиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср ўзбек қиссаларида бола образини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бола образи етакчи бўлган XX аср ўзбек қиссалари давр нуқтаи назаридан тизимлаштирилиб, автобиографик характердаги қиссаларда болалик тасвири асосий ўринни эгаллаши ҳамда бола образи акс этган қиссалар ҳам автобиографик унсурлардан холи бўлмаслиги асосланган илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 15.05.2020 йилдаги 125-сон буйруғи асосида эълон қилинган UNICEF билан ҳамкорликдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш сифатини ошириш” лойиҳасининг 1-босқичи: Она тили, ўзбек тили ва адабиёт фанларининг ўқув-методик материалларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 12-мартдаги 01/11-01/4-295-сон маълумотномаси). Натижада Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” ва Ойбекнинг “Болалик” қиссалари таҳлили ҳамда бола образига оид

умумий хулосалар билан ўрта таълим мактабларидаги адабиёт фанининг ўқув-методик материаллари бойитилган;

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси мисолида таҳлил қилинган боладаги эътиқод емирилиши даврнинг маънавий таназзули билан боғлиқлигига оид илмий-назарий хулосалардан 2017-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги ОТ-Ф1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодий воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2021 йил 25-февралдаги маълумотномаси). Натижада “Шахс ва қадриятлар” монографиясининг илмий-маърифий савияси ошган;

қисса жанридаги бола образи тадқиқи бўйича эришилган натижалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Интервью”, “Жондан азиз”, “Маънавият сарчашмалари” кўрсатувлари ва Фарғона радиосининг “Ёшлар кундалиги” эшиттиришларида фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 23-февралдаги 68-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни чуқурлашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган ҳамда кўрсатув ва эшиттиришларда кўтарилган адабий масалаларнинг илмий асоси кучайтирилган;

XX аср ўзбек қиссалари бола руҳияти талқинида катталар дунёсининг иллат ва кулфатлари акс эттирилиб, бола образи катталар учун кўзгу вазифасини бажаришига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бўлими фаолиятида “Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари учун маърузалар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармасининг 2021 йил 24-февралдаги 02-22/126-сон маълумотномаси). Натижада чора-тадбирлар режаси илмий асослар, ёшлар руҳиятига оид таҳлилий материаллар билан бойитилган;

бадиий адабиётдаги давр ва руҳият масаласини ёритишда бола образининг аҳамиятига оид таҳлил натижаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг Танқид ва адабиётшунослик кенгаши фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг 2021 йил 25-февралдаги 11-сон маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек насрида давр ва қаҳрамон муносабати концептуал манзарасини ишлаб чиқиш жараёнларида бола образига таянилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та республика конференциясида, 5 та халқаро конференцияда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Бола образининг тарихий тараққиёти**” деб номланиб, бобнинг “**Бадий образ назарий муаммо сифатида**” номли дастлабки фаслида бадий адабиётда образ ва унинг табиати назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Адабиётшунос Б.Саримсоқов “образ” атамасини “пайдо қилмоқ, яратмоқ” маъноларидан келиб чиққанини асослаган бўлса<sup>10</sup>, Д.Қуроновиқнинг фикрича, кўп маъноли “образ” сўзига “бирор ниманинг онгдаги акси” маъноси мувофиқ келади<sup>11</sup>.

Образ индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлади. Нарса-ҳодисанинг умумий жиҳатлари билан бирга ўзигагина хос хусусиятларни мужассамлаштириши у ҳақдаги образли ва абстракт тафаккурни шакллантиради.

Бадий образнинг рационал ва эмоционал бирлик сифатида тушунилишига сабаб, у ўзида ақл ва ҳисни бирлаштиради. Шу билан бирга, ижодкорнинг ўзи яратган характер моҳиятига киргани сари қаҳрамонларига нисбатан ҳиссий муносабатида ўзгаришлар юзага келиши исботланган. Бола образи етакчи бўлган қиссаларда бу жиҳат яққол сезилади. Жумладан, “Шум бола”да бош қаҳрамоннинг Ғафур Ғулом измидан “чиқиб кетиши”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси сўнгида Боланинг ҳалок қилиниши, Нурали Қобулнинг Норбўтани (“Тубсиз осмон”) нобуд қилиши воқелигида болага ачиниш, болалик даврига нисбатан ҳиссий қараш мавжуд.

Бадий образнинг жонлилигини таъминловчи воситалар сифатида муаллиф характеристикаси, портрет, бадий психологизм, персонаж нутқи каби тасвир унсурларидан фойдаланилади. Бу унсурлар адабиётга ёндош санъат ва фанлардан “ўзлаштирилган” бўлиб, муаллиф характеристикаси –

<sup>10</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б. 8.

<sup>11</sup> Қуроновиқ Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети нашриёти, 2018. – Б. 89.

физиология, портрет – тасвирий санъат, бадиий психологизм – психология, персонаж нутки – филология илми асосида яратилишини англаш қийин эмас. Юқоридаги унсурларнинг ҳар бири образ шаклланишида муҳим ва улар бир-бирини тўлдиради. Лекин бола образи етакчи бўлган қиссаларда портрет ва пейзажга нисбатан бадиий психологизм ва персонаж нутки етакчилик қилади. Бола қиёфаси унинг руҳияти ва нутқидан англанади.

Образ яратишнинг, асосан, икки туридан фойдаланилади. Жамлаш йўли билан образ яратишда ёзувчи борлиқ, характерлар, тақдирлар ва деталлардан материал сифатида фойдаланади. Мавжуд материалдан керагини танлаб, уни яқка шахсда бирлаштиради. Бола (“Оқ кема”), Кичкина Шахзода (“Кичкина Шахзода”), Норбўта (“Тубсиз осмон”), Қўшоқвой (“Икки қарра икки – беш”), Асрор ва Қамариддин (“Алвидо, болалик”) кабилар шу йўналишга мансуб образлардир.

Прототип асосида бадиий образ яратишда ёзувчи тарихий ёки замондош шахсга таянади. Прототип ўша образнинг скелети ҳисобланади. Автобиографик характердаги қиссаларда ёзувчи ўз болалигини прототип сифатида белгилайди. Масалан, Ойбекнинг Мусавойи (“Болалик”), Абдулла Қаҳҳорнинг Абдуллеси (“Ўтмишдан эртақлар”), Максим Горькийнинг Олёшкаси (“Болалик”), Тарас Шевченконинг “Варнак” (“Қочқин”) қиссасидаги қаҳрамонлар прототип образга мисол бўлади.

Бадиий адабиётнинг доимий ва энг муҳим образларидан бири сифатида бола образи ва болалик тасвири алоҳида аҳамиятга эга. Бола тимсоли умумлашма образ сифатида ўз ичига бола образларининг типологияси, бола дунёси, болани ўраб турган муҳит ва бола образининг руҳиятини қамраб олади. Образларда болалар характерининг турли кўринишлари намоён бўлади. Боланинг дунёси унинг шахсий майдони билан белгиланади. Боланинг муҳити унинг теграсидаги воқелик (оила, мулоқот ва бошқалар) сифатида талқин этилиб, ана шу муҳит таъсирида унинг табиий, ижтимоий ва индивидуал ривожланишидаги жиҳатлар намоён бўлади.

Психология фанидан фарқли равишда бадиий адабиёт боланинг маълум давр ва вазият (ҳолат)даги руҳиятини ва етакчи фаолиятини индивидуаллашган умумлашма тарзида тасвирлайди. Турли даврларда яратилган бола образларини қиёслаш натижасида улардаги бадиий психологизм руҳшунослик илмидаги фаол ёш даврлари назарияларига асосланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, XX асрда яратилган бола образларида, асосан, социогенетик ва психогенетик назариялар устуворлик қилади. Социогенетик назария бўйича боланинг ижтимоийлашиш ҳолати унинг шахс сифатида камол топишига хизмат қилади. Ҳар бир инсонга муҳит таъсирини инкор этиб бўлмайди, бироқ ҳар бир одамнинг ҳеч қандай муҳит таъсирисиз бошқариладиган ўз табиати борлигини ҳам эътибордан соқит этмаймиз. Айнан бола образлари муҳит таъсирида эмас, кўпроқ ўз табиий характерлари билан яшайдилар. Бу ҳол кўпинча, муҳитга мос келмайди, натижада болалар унинг қурбонига айланганини кўришимиз мумкин.

Психогенетик назарияга асосланган образларда рухий жараёнларнинг ривожланиши биринчи планга олиб чиқилади. Бунда бола образининг иррационал хусусиятлари психодинамик нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Бадий образ сифатида болалик рухий поклик, эзгулик, самимийлик рамзи бўлиб ассоциацияланади ҳамда бадий асарнинг умумий концепцияси учун асос ҳисобланади.

**Бобнинг иккинчи фасли “Болалик тасвирининг тарихий-тадрижий такомил: функционал ўхшашлик ва дифференция”** деб номланган бўлиб, унда ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётдаги бола образининг тадрижий такомил таҳлил этилган.

Маълумки, болалик энг қадимги даврларданок халқнинг урф-одатлари ва маросимларида акс этган. Қадимдан шаклланиб бўлган ва фақатгина ўтмишнинг бир қисми сифатида қолган болалик келажакка интилади, лекин умрбод ўзида қайтишнинг жозибасини сақлаб қолади. Шунинг учун Карл Юнг инсоннинг она қорнига қайтишга бўлган истагини, болаликка қайтишга интилишини мифологик архетипларнинг энг қадимгиларидан бири сифатида баҳолайди. Демак, болалик инсон ҳаётининг жозибали, беғубор даври сифатида қадимдан адабиётнинг предмети бўлиб келган.

Қадимги мифларда ибтидо сифатида бола ва болалик тасвири акс этган ўринларда болаликка оид тафсилотлар баён қилинмайди, улар эпик замоннинг асосини ташкил қилади. Инсоннинг ижодга ва ўз-ўзини англаб олишга қўйган илк қадами сифатида мифларда Худолар, титанлар ва қахрамонларнинг туғилиши, болалиги, тақдири ўхшаш тасвирланган. Бу ўхшашлик инсон руҳияти ва муҳитдаги яқинлик натижасида юзага келган. Жумладан, юнон мифларида Ахилл ва бошқа қахрамонларни болалигидаёқ Хирон – кентаврларга топширишган. Болани устоз сифатида ярим одам, ярим ҳайвон тарбия қилиши бўлажак қахрамон ҳам инсон, ҳам ҳайвон қувватини – қонун ва кучни ўзлаштирсин,<sup>12</sup> дегани эди. Шунингдек, туркий мифларда қахрамон тотем – ҳайвон ҳимоясида бўлади ва унинг кучини ўзлаштиради. Масалан, бўри, айиқ, от, ит раҳнамо сифатида белгиланган ва у бола билан бирга юради.

Умуман, туркий халқлар яратган мифларда бола тасвири соф инсон боласи сифатида эмас, миф табиатига мос равишда, табиат ходисалари ва тимсоллари (масалан, юлдуз) сифатида гавдаланади. Масалан, “Ой билан кун” мифида болалар – юлдузлар, “Азиз момо ва унинг ўғиллари” мифида Аҳмон билан Даҳмон аёз рамзи сифатида кўрсатилади<sup>13</sup>.

“Тўмарис” ривоятида эса, Тўмариснинг ёш ўғли Спарангиз хийла қурбонига айланади. Унга хийла билан шароб ичирилиб, асир олинади. Юқоридаги афсонада тарихийлик изи йўқолиб, бадий-эстетик мақсадни амалга оширишда бола образидан фойдаланилган. Шу билан бирга, Спарангизнинг ноҳалол йўл билан асир олиниши Тўмарис жасоратига туртки берган, дейиш мумкин.

<sup>12</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. –Б. 53.

<sup>13</sup> Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Т.: Алоқачи, 2008. –Б. 232.

Умуман, афсоналардаги бола образи эртак ва дostonларнинг бош қахрамонларига асос бўлиб хизмат қилган.

Халқ оғзаки ижодининг сеҳрли-фантастик эртаклари орасида бола ёшидаги митти полвонлар образи кўп учрайди. Ушбу турдаги эртакларда воқеа боланинг фавқулодда мўъжизавийлиги асосига қурилган бўлиб, ижтимоий-сиёсий мазмун тилсим ёрдамида ечилади. Комик характердаги митти қахрамонлар ҳақиқат учун курашадилар. Уларда меҳнаткаш ва жабрдийда халқ вакиллари, уларнинг орзу-интилишлари мужассамлашади. Масалан, “Хурмача полвон”да чолнинг ўғли бойни тилсим билан мот қилиб, ота-онасини тўкин ҳаёт кечиришига сабаб бўлади.

Кейинги даврда яратилган ҳаётий-маиший эртакларда эса, бош қахрамон, асосан, бола ёшида бўлади. Эртакларда қатъий такрорланиб турувчи ИМФ (инициал, медиал, финал) формуласининг барча қисмида бола образи иштирок этади, яъни у туғилади, вояга етади ва финал қисмида – йигит ёшида мурод-мақсадига етади.

Бола образининг юксак намуналарини халқ эпосининг илк тури – қахрамонлик дostonларида учратишимиз мумкин. Бу тур дostonларнинг эпик мазмундаги қахрамонлик характери болалик тасвиридаёқ кўзга ташланади.

Бадий асарда болалар характерини ифодалашга қизиқишнинг пайдо бўлиши фалсафа ва педагогиканинг ривожланиши билан боғлиқ. Жаҳон адабиётшунослигида илк бор болалар характерига қизиқиш Уйғониш давридан, яъни ақл-идроққа таяниш ва инсонни ўзгартириш мумкинлигига ишонч пайдо бўлган пайтдан бошлангани таъкидланади. Шарқда баркамол инсон болаликдан етук бўлиши керак, деган тушунча мавжуд. Бу тушунчанинг назарий асосларига диний-фалсафий, илмий-бадий асарларда замин яратилган. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг фикрича, фозил одамлар шахри ҳоқимида 12 та фазилат болаликдан шаклланган бўлиши зарурлиги таъкидланади<sup>14</sup>. Хусусан, у туғма олийҳимматли, одил ва ростгўй, саботли ва жасур бўлиши лозимлиги уқтирилади. Зеро, болаликдаги ҳислатлар табиий хусусиятга эга бўлиб, улар кейинчалик ижтимоийлашиб боради.

Ўзбек адабиётидаги қиссачилик намунаси бўлган “Қисаси Рабғузий” агиографик асарида ҳар бир пайғамбарнинг қиссаси уларнинг туғилиши, болалиги, кейинги ҳаёти тасвири билан кетма-кетликда келтирилади. Масалан, Сулаймоннинг шоҳ бўлиши ёшлигидан маълум бўлади, у хатни очмай ўқий олади.<sup>15</sup> Шунингдек, илоҳий туғилиш, кенжа фарзандлик, саргузаштларга бой болалик лавҳалари бошқа набийлар қиссаларига ҳам дахлдордир.

Алишер Навоийда болалик тасвири “тифл”, “атфол”, “туфулият”, “бола”, “сиғар”, “йигитлиғ”, “ёшлиғ”, “шабоб” каби сўзлар билан ифодаланади. Навоий асарларида нафақат ўз болалик йилларини, балки қахрамонлари болалик даврини ҳам бадий тасвирлайди. Унинг ўз асарларида болалик тасвири ва бола образи болалар психологияси, болалик характеридан келиб

<sup>14</sup> Форобий А.Н. Фозил одамлар шахри. –Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 160.

<sup>15</sup> Рабғузий Н.Б. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. –Т.:Ёзувчи, 1991. –Б. 31.

чикқан холда, мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ фрагментал тарзда ёритилади. Ундаги ҳар бир қаҳрамон фольклор ва мумтоз асар анъаналарига хос равишда болалик давридан бошлаб асарга кириб келади. Жумладан, “Хайрат ул-аброр”нинг 8-бобида Муҳаммад пайғамбарнинг, “Хамса”да Фарҳоднинг, Қайснинг, Искандарнинг, “Тарихи мулуки ажам”да Нўширавоннинг болалик давлари тасвирланади. Масалан, севиқли ёри билан боғдаги учрашувда Нўширавоннинг нигоҳи инсон кўзларини эслатувчи нарғис гули япроғига тушади, бундан ниҳоятда хижолат бўлади ва висол онларидан воз кечади. Навоийнинг хулосаси шу бўладики, Нўширавондаги ҳаё уни олам аҳлига шоҳ қилди.<sup>16</sup> Бу каби мисоллар Алишер Навоийнинг бадиий мақсад ва идеалларига ҳамоҳанг бўлиб, уларда даҳоликка пойдевор ёшлиқдан қўйилади, деган хулоса ўз тасдиғини топади.

Бироқ мумтоз адабиётда, хусусан, маърифатпарварлик адабиётида болаликка ва бола образига шахсни шакллантирувчи ёрдамчи босқич сифатида қаралган. Шу боис бу давр адабиётида қаҳрамоннинг болалиги бадиий тасвирнинг энг муҳим предметларидан бирига айланади. Шу билан бирга, мумтоз адабиётда болалик тасвири фрагментал хусусият касб этган бўлиб, ижодкорлар етукликда туриб, болалик илдизларини буюк келажакка ишора сифатида талқин этганлар.

Ишнинг иккинчи боби **“Автобиографик характердаги киссаларда болалик талқини”** деб номланиб, унинг биринчи фаслида **“Автобиографик киссаларда давр руҳи”** тадқиқ қилинади. Мазкур фаслда XX аср ўзбек адабиётида яратилган киссалар таҳлилга тортилган.

Болалик ўзбек мумтоз адабиётида фрагментал хусусият касб этган бўлса, XVII асрдан бошлаб бадиий ифода предметига айлана бошлади. Рус тадқиқотчиси Е.Шестакованинг фикрича, XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб қаҳрамоннинг ёшлигига бадиий тасвирнинг жиддий объекти сифатида қаралди.<sup>17</sup> Дарҳақиқат, XX асрга келиб, болалик мавзусига қизиқиш яна ҳам ортди. Инсонни болалиқдан бошлаб тарбия қилиш лозимлиги, болалик келажакнинг пойдевори эканлигига янада жиддий қарала бошланди. Бу даврда кўплаб сўз санъаткорлари учун болалик ҳаёт рамзига айланди ва чуқур маъно касб этди.

Ривожланган болалик статусини ёқлаб чикқан XX аср мутафаккирлари боланинг шаклланиш жараёнини нафақат тарихий ҳодиса, балки унинг заминида инсоният маданияти ривожланишидаги изчиллик ва олға интилиш тамойилларини алоҳида феномен сифатида ҳам кўриб чикдилар. XX асрдаги бола образлари ўзгараётган вақт маконига узвий киритилган тарих субъекти, у тарихни яратувчи ва ўз бошидан кечирувчи, шунингдек, ушбу жараёнда ўзлигини намоён қилувчи ҳисобланади.

Ўзбек адабиётида бола образи етакчи бўлган киссалар асосан 60-80-йилларда яратилган бўлиб, уларда XX асрнинг 10-20-йиллари, 40-50-йиллар

<sup>16</sup> Навоий Алишер. Тарихи мулуки ажам, –Т.:Фан, 2000.

<sup>17</sup> Шестакова Е. Детство в системе русских литературных представлений о человеческой жизни XVIII-XIX столетий. автореф. дисс... филол. наук, – Архангельск, 2007. –С. 24.

ва 80-90-йиллари воқеалари тасвирланган. Воқеликни бадиий идрок этиш ва ифодалаш усулига кўра бола образи етакчи бўлган қиссалар ранг-барангликка эга. Уларни қисса номи остида умумийлик бирлаштириб турса-да, ички бўлиниш асосида назарий жиҳатдан бир қанча турларга ажратиб ўрганиш мумкин. Тадқиқот давомида ўрганиб чиқилган, бола образи етакчи бўлган, умумий қисса номи остида нашр этилган асарларни автобиографик қисса, биографик қисса (Ойбек “Бола Алишер”), тарихий қисса (Матёқуб Қўшжонов “Дагиш”), сеҳрли-фантастик қисса (Туроб Максуд “Парига ошиқ ўсмир”), афсона қисса (Пиримқул Қодиров “Нажот”), воқеий қисса (Тоҳир Малик “Алвидо, болалик”), ҳикоялар туркумидан иборат қисса (Пиримқул Қодиров “Акрамнинг саргузаштлари”), юмористик қисса (Пиримқул Қодиров “Яйра институтга кирмоқчи”), сатирик қисса (Ўткир Ҳошимов “Икки карра икки – беш”) ва саргузашт қисса (Абдулла Қаҳҳор “Ўтмишдан эртақлар”) каби ички турларга бўлиб, таҳлил қилиш мумкин, лекин бу бўлиниш нисбий бўлиб, жанр масаласига оид тадқиқотларда алоҳида ўрганиш талаб этилади.

Бола образи етакчи бўлган қиссаларнинг энг кўп тарқалган тури автобиографик қисса ҳисобланади. Автобиографик қиссаларда, асосан, муаллифларнинг болалик йиллари тасвирланади. Шу билан бирга, бола образи етакчи бўлган қиссаларда автобиографик руҳ устунлик қилади. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд. Биринчидан, давр ва мафкура тақозоси билан XX аср ёзувчилари (айниқса, аср бошида туғилган ижодкорлар) инқилобдан аввалги “қолоқ, нурсиз” даврни тасвирлаш учун ўзларининг болалик йилларига мурожаат қилган бўлсалар, иккинчидан, асар марказига бола образининг кўйилиши муаллифнинг беихтиёр ўз болалик йиллари хотираларига суянишга мажбур қилди. Ўтган аср қиссалари ичида гарчи муаллифларнинг ўзлари эътироф этмаган бўлсалар-да, Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш уринишлари”, Садриддин Айнийнинг “Эски мактаб”, Ойбекнинг “Болалик”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, Йўлмирза Оймирзаевнинг “Бахт бешиги” (“Етимнинг юраги”), Матёқуб Қўшжоновнинг “Дагиш”, Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссалари автобиографик йўналишдаги асарлар саналади.

Адабиётшуносликда, хусусан, биографик метод назариясида ҳар қандай бадиий асар ижодкор қалби моделидир<sup>18</sup>. Тадқиқотимиз йўналиши нуқтаи назаридан ушбу назарияни яна ҳам конкретлаштириб айтиш мумкинки, ҳар қандай бола образи етакчи бўлган қисса автобиографикликдан ҳоли бўла олмайди, чунки болалик тасвири ва бола образига ҳар бир ижодкор маълум даврий масофани босиб ўтгандан сўнг мурожаат этади.

Автобиографик қисса муаллифи биографик қисса муаллифи каби архив ва тарихий ҳужжатларга эмас, ўз ўтмиш хотирасига мурожаат этади. Айниқса, у болалигига мурожаат этганда бошдан кечирган руҳий ҳаяжонларни ёритади. Шу билан бирга, автобиографик асар билан автобиографик характердаги асарларни ҳам фарқлаб ўрганиш лозим. “Автобиографик характердаги асарда биографик унсурлар салмоқли ўрин

<sup>18</sup> Карим Б. Рухият алифбоси. – Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 174.



тутган ҳолда, бадиий тўқима ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтсак, худди реал прототипига эга асарлардаги каби, автобиографик характердаги асар учун муаллиф – прототип, холос, унинг асосида бошқа бир шахс образи яратилади”<sup>19</sup>. Шу жумладан, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асари ҳам автобиографик характердаги қисса ҳисобланади. Умуман, автобиографик, биографик ва бола образи етакчи бўлган қиссаларда автобиографиклик унсурлари етакчи ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ишнинг мазкур боби учун танланган асарларни умумий ном билан “автобиографик характердаги қиссалар”, деб номладик.

“Болалик” номи остида яратилган дунё адабиётидаги кўплаб асарларни бирлаштириб турувчи энг характерли жиҳатлардан бири ҳам автобиографиклик ҳисобланади. Жумладан, ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг (1905-1968) “Болалик” қиссаси бош қаҳрамони – Мусавой, яъни бўлажак адибнинг ўзидир. Қисса бола тилидан ҳикоя қилинади. Ундаги воқеалар Ойбекнинг болалик хотираларидан иборат, лекин қиссада муаллиф фақат хотиралар билан чекланиб қолмасдан, ўша даврнинг энг муҳим воқеаларини ҳам тасвирлайди. Қисса воқеалари мемуар тарзда бўлса ҳам, муаллиф унга бадиий-ижтимоий руҳ бағишлайди. Бу нарса асарнинг кейинги бобларида ижтимоий воқеаларнинг ёрқинлашувига хизмат қилади.

XX аср бошларида болалар психик тараққиёти манбаларини ҳар томонлама талқин этувчи биогенетик ва социогенетик оқимлари пайдо бўлди. Биринчи оқим тарафдорларининг таъкидлашича, ирсият бола ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иккинчи оқим тарафдорларининг фикрича, бола тараққиётининг бирдан-бир омили – бу муҳитдир. Инсонни ўрганиш учун у ўсган муҳитни таҳлил қилишнинг ўзи кифоя.<sup>20</sup>

“Болалик” қиссасидан бола ривожланишида ижтимоий муҳит ва социогенетик омиллар муҳим эканлигини англаш мумкин. Чунки Мусавойнинг ҳаёти, асосан, ижтимоий муҳитда: бозорда, кўчада ўтади. Мусавой ҳам Шум бола каби ўсмир йигит. Фақат Ғафур Ғулом Шум боланинг 5-6 ойлик саргузаштини тасвирласа, Мусавойнинг камида ўн йиллик ҳаёти акс эттирилади. Унинг ёши (4-14) муаллиф томонидан аниқ кўрсатилади.

Ойбек мемуар услубни қўллаб, ўзини бироз чеклагандай бўлади. Қаҳрамонига Шум бола каби тўла эркинлик бера олмайди. Ойбек қиссасида ҳаётини воқеалар, ғояга кўп урғу берилади. Шунинг учун унда бадиийлик элементлари камдек туюлади. Зеро, ҳаётини материалга кўпроқ ён босса, ғояга эрк берса, бадиийлик оқсайди<sup>21</sup>. Лекин буни Ойбек автобиографик услуб билан ёпади, яъни ҳаётини воқеалар, шахсларнинг кўп учраши автобиографик қисса шарти сифатида қабул қилинади. Кўп ўринда муаллиф ўз руҳиятидаги эркак ташналикни қаҳрамонига кўчиришга уринади.

<sup>19</sup> Қурононов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 6.

<sup>20</sup> Ёш психологияси ва педагогик психология. М. Г. Давлетшин таҳрири остида, –Тошкент, 1974.

<sup>21</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. –Б. 14

Қиссадаги эътиборга молик жиҳатлардан яна бири бобо ва набира муносабатларидир. Масалан, М.Горкийнинг “Болалик”, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаларида бола руҳияти шаклланишида бобо образи муҳим аҳамиятга эга. Умуман, реал ҳаётда ҳам бобо ва набира ёки буви ва набира бир-бирига руҳан яқин бўладилар. Бунинг сабабини кексаларда кечаётган иккинчи болалик ҳолати, улар қайта бошдан кечириётган софлик, беғуборлик туйғулари билан изоҳлаш мумкин. З.Фрейднинг таъкидлашича, балоғат ёшига етганимизда болалик хотираларимизнинг аксари ўчиб кетади. Улғайган пайтимиз бизда нафс уйғонади ва болалик деган сирли донишмандлик туйғуси ҳам тугайди. Токи, мункиллаб қолган чолга айланиб, нафсимиз ҳеч нарса тиламай кўйганида яна болалик оламига қайтиб, атрофдагиларга кулги бўламиз. Шунинг учун бобо ёки бува ва набира муносабатларида руҳий яқинлик сезилиб туради. Бола образи етакчи бўлган қиссалар учун бу жараён характерлидир. Ойбек ҳам бу ёндашувдан усталик билан фойдаланади. Натижада Мусавойнинг боболари унинг ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фаслида **“Шум бола” қиссасида бола эътиқоди муаммоси** ўрганилган.

Бугунга қадар ўзбек адабиётшунослигида қаҳрамон эътиқоди масаласига, маълум сабабларга кўра ўрганилмаган. Аслида эътиқод фақат Худога ва диний таълимотларга ишончдан иборат эмас. Айниқса, бола эътиқоди масаласида бу тушунча янги ва ўзгача маънолар касб этиши мумкин.

Инсоний муносабатлар соҳасида ишонч-эътиқод ҳар қандай дўстлик ва муҳаббатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бола камол топиб бориши, унда инсоний фазилатлар, иқтидор ва қобилиятлар шаклланиши учун унга нисбатан эътиқод зарур. Бунда бола учун жуда аҳамиятли инсон, яъни ота ва она унга ишониши талаб этилади. Акс ҳолда, болада бундай қобилиятлар мутлақо бўлмагандай руҳиятида пинҳон қолиб кетиши мумкин.

Инсондаги барча ёвузлик ташқи таъсир оқибатида юзага келади, натижада унинг танлаш имконияти қолмайди. Болалар маълум ёшга етиб, ижтимоий ҳаётни кўрганларидан кейин иккиланиб қолиши бежиз эмас. Энг ёмони – болада танлаш имкониятининг қолмаганлиги.

Айнан танлаш имкониятининг қолмаганлиги, эътиқод емирилиши каби XX асрнинг типик муаммоларини Ғафур Ғулумнинг (1903-1966) “Шум бола” қиссасида кўришимиз мумкин. Асарга ўсмир ёшида кириб келган Шум бола тез орада ўспиринга айланади. Қиссадаги динамик сюжет, воқеаларнинг тез ривожланиши, бола руҳиятидаги эврилишлар ёш даврларини тез босиб ўтишга мажбур қилади. Шум бола ўспиринлигини ўз тили билан айтади: *“Ҳар икковимизнинг ҳам дунё қидириб, бахт излаб юрган ўспиринлигимиз маълум бўлди. Мол-у жонни бир қилиб, аҳду-паймон қилишдик-да, катта, улуг сафарни мўлжал олдик”*<sup>22</sup>.

<sup>22</sup> Ғулум Ғ. Танланган асарлар. Шум бола. –Т.:Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2012. –Б. 169. (Асардаги барча иқтибослар ушбу манбадан олинди ва саҳифаси қавс ичида берилди).

Қиссада “қаерга бораман”, деган савол кўп қўлланган. Юзаки қараганда Шум бола бу саволни бошпанасиз, пулсиз, чорасиз қолганда ўз-ўзига берадигандек туюлади. Аслида бу савол негизида эртанги кунни, келажакни кўра олмаслик, катта турмуш арафасидаги ўспириннинг мустаҳкам эътиқоди ва ҳаётий режаси мавжуд эмаслиги фожиаси бор. Эътиқод емирилиши, давр ва руҳият мутаносиблигини ифодаловчи ушбу риторик сўроқ кўп шум болашунослар эътиборидан четда қолган. Назаримизда, бу савол асарнинг ўқилдишини ташкил қилади.

Шум бола қаерга бормасин, унинг психологик ҳолати фрустрация (омадсизлик, мақсадга етолмаслик) билан яқунланади. Натижада унда фош этишдан ташқари зўравонликка яқин бўлган қасд олиш туйғуси ҳам шаклланади. Тандир ичида ётиб, жазман йигитдан пул талаб қилиши, такяхона аҳлини манқалдонда шишада сув қайнатиб кўркитиши эпизодларида унда ўч олиш истаклари шакллангани кўринади. Болалар онгида воқеликдан нусха кўчириш қобилияти ривожланган бўлади. Ғафур Ғулум қиссада бундан усталик билан фойдаланади. Шум бола ҳаракатлари орқали катталар дунёси акс эттирилади.

Эрих Фроммнинг таъкидлашича, “эътиқод емирилиши” болалар ҳаётида тез-тез учраб туради. Унинг фикрича, бола ўз ҳаётини меҳр-муҳаббат, эзгулик ва адолат тушунчаси билан бошлайди<sup>23</sup>. Гўдак ҳаётини тўлалигича она ихтиёрига топширади, она гўдак учун “ҳаёт манбаи” ҳисобланади. У норасида бўлганлиги учун онасига тўла ишонади. Бундай ишонч ўз отасига, буваси ва бобосига, бошқа бирор яқинларига, шунингдек, Худога нисбатан ҳам бўлади. Кейинчалик отага муҳаббат орзу-интилишлар таянадиган манбага айланади. Бу даврда ота боласининг рағбати ва эътиборини қозонишга, норози қилмасликка интилади. Шум бола асардаги ёши бўйича, яъни илк ўсмирлик даврида онадан ота томон юриши, унинг меҳрини қозониши керак эди. Воқеалар эса, уни ҳар иккисидан ҳам айиради.

Андре Моруа таъкидлаганидек, молиявий қийинчиликлар ҳеч қачон фожеий бўлмайди.<sup>24</sup> Ҳамма гап маънавий қашшоқлик, инсонга, хусусан, бола шахсига бўлган ишончсиз муносабатда. Шум болага ишончсиз муносабат, аввало, оилада мавжуд эди. Унга синглиси ҳам “-ҳа, ...ўлгур”, деб мурожаат қилади (164-бет). Икки ўринда нутқи келтирилган онасининг сўзлари ҳам “*жувонмарг, зумраша*”, тарзидаги фақат қарғиш ва тергашдан иборат, холос.

Қиссадаги бола шахсига муносабатда ўша давр жамияти аъзоларининг маънавий қиёфасини кўриш мумкин. Шум бола қаерга бормасин, “келгинди, сиғинди” сифатида қарши олинади. Табиийки, бундай муносабат шаклланаётган бола характерида салбий таъсир кўрсатади. Қиссадаги қаҳрамонлар характерида давр руҳи, ўша тоифа даражаси билан бирга болага, жумладан, етим болага бўлган муносабат реал ифодаланган.

Шум бола Ғафур Ғулум учун табиийлик, эзгулик, софлик дунёси – у идеал бўлиб хизмат қилади ва ёзувчига замондош бўлган воқеликка қарама-

<sup>23</sup> Фромм Э. Инсон қалби. Унинг эзгулик ва ёвузликка бўлган лаёқати. –Т.:Ўзбекистон, 2016. –Б. 25.

<sup>24</sup> Моруа А. Чоршанба учун бинафшалар. –Т.:Янги аср авлоди, 2015. –Б. 201.

қарши қўйилади. Ёзувчи “Шум бола” қиссаси устида йигирма беш йил ишлади. Қиссанинг биринчи ва иккинчи қисмлари 1936 йилда ёзиб тугатилган. Учинчи қисми қирқинчи йиллар охирида тугатилган. Олтмишинчи йилларнинг бошларида қайта таҳрир қилинган”<sup>25</sup>. Шунинг учун ҳам қиссада муаллиф-қаҳрамон муносабатлари чуқур уйғунлик касб этган. Айнан мана шу уйғунлик асарнинг автобиографик ёки ундай эмаслиги тўғрисидаги баҳсларни юзага келтирган. Мазкур асарни муаллиф ва персонажга хос автобиографик ва биографик маълумотларнинг қамраб олиниши, фольклорга хос ёш Насриддин типидagi қаҳрамон гавдалантирилиши билан ўзига хос бола образи етакчи бўлган қисса, деб аташ мумкин.

